

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

713 «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1882-5

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1882, 2008 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 529-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 7 июль,
96-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 7 июлдаги
96-сон буйруғига
ИЛОВА

«Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**».

2. Низомнинг муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

713-714-моддалар

— 184 —

29 (789)-сон

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини ҳисоблаш услуби ҳамда шакллантириш ва жойлаштириш тартибига талабларни белгилайди.».